КИНОФЕСТИВАЛ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛАДИ

"Халқлар дўстлиги" саройида тантанали очиладиган Тошкент халқаро кинофестивали маданий ҳаётимизда муносиб воқеалардан бирига айланади. XII кинофестивал байроғини кўтаришдек шарафли вазифа ўзбек киноактёри Беҳзод Муҳаммадкаримов, ҳинд кино юлдузи Манта Кулькарни, АҚШ киноартисти Патрик Килпатрик зиммасига тушди.

Абдулла ПЎЛАТОВ.



Ғўза нихолларига ишлов. ЎзА сурати.

Замонавий миллий либосларимиз. Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ТУЯ ЖУНИДАН ТАЙЁР МАХСУЛОТ

Навоийдаги афсонавий Зарафшон шаҳрида кўшма ва кичик корхоналар сони муттасил ортмоқда. Булар сафига туя жунини қайта ишлайдиган "Даллол" кичик корхонасини ҳам кўшиш мумкин. 40 нафар хотин-қизлар меҳнат қилаётган бу корхонада туя жунидан кўрпача, ёстик, тўн, белбоғ ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилнинг ўтган беш ойида қарийб 3 миллион сўмлик ана шундай харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхона учун керак бўлган туя жунини Томди ва учқудуқлик туябоқарлар ўз вақтида етказиб бермоқда.

Музаффар ШАРОПОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 20 май, сешанба № 58 (22.142).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

БАҲОР ҲОСИЛИ

Жарқўрғонликлар мамлакатимизда биринчи бўлиб давлатга пилла топшириши бошладилар. Жарқўн Марғучова, Матлуба Маматаминова, Чоршанба Йўлдошев, Зайнаб Худойқулова кабилар биринчи кунданоқ пилла етиштириш бўйича шартномаларни бажардилар.

Вилоятда бу йил 900 тонна пилла тайёрланади. Кейинги икки-уч йилда Сурхондарёда пиллани қайта ишлаш, ипак толасини йигириш саноати барпо этилди. Шўрчида ипакчилик фабрикаси, Қумқўрғон ва Деновда ипак йигириш цехлари ишлаб турибди.

Термиз ва Ангор туманларида ҳам пилла тайёрлаш бошлаб юборилди.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРГА БАНК ХИЗМАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Банклар ўртасида рақобатни ривожлантириш, халқ хўжалигида тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини банклар томонидан назорат қилишни кучайтириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 июлидан бошлаб ҳар бир корхона (ташкилот) ўзи танлаб олган фақат битта банк муассасасида сўм ва валюта ҳисоб-китоб (жорий) ҳисоб варақаларига эга бўлиши мумкин.

Бунда корхоналар ва ташкилотлар банкда ўз ҳисоб варақаларини очиш учун уни мустақил равишда танлайдилар.

2. Тижорат банклари корхоналар ва ташкилотлар бундан буён хизмат кўрсатиш учун ўзлари танлаб олган банкларга уларнинг сўм ва валюта ҳисоб варақалари тўсқинликсиз кўчирилишини таъминласинлар, бунда илгари мазкур ҳисоб варақалар очилган банклар олдидаги қарз батамом тўланиши ёки унинг банклараро кредитга қайтадан расмийлаштирилиши шарт.

3. Адлия вазирлиги Марказий банк билан бирга икки ҳафта муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси Ф. Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 19 май.

ТОШКЕНТ ШЕЪРИЯТ ШАЙДОЛАРИНИ ЧОРЛАДИ

Кеча пойтахтимизнинг муҳташам «Туркистон» саройида Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда «Мустақиллик — бахтимиз, толеимиз, камолимиз» мавзуида мушоира бўлиб ўтди. Мушоирада Марказий Осиё давлатларининг таниқли ижодкорлари иштирок этди.

Тадбирни Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси президенти, давримизнинг атоқли адиби Чингиз Айтматов бошқарди. Дастлаб Ватанимизнинг шоирлари шеърият мухлисларига ўз шеърларидан намуналар ўқиб беришди. Қозоғистон, Тожикистон ва қирғизистонлик шоирларнинг она-Ватан, дўстлик, мустақиллик мавзуидаги шеърлари барчада катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева ва «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик танлови совриндори София Сафтарова ижро этган қўшиқлар мушоирага янада файз бағишлади. Қардош тилларда ижро этилган ҳар бир қўшиқни мухлислар олқишлар билан кутиб олишди.

Куннинг иккинчи ярмида эса «Марказий Осиё мустақил давлатлари халқлари шеъриятининг бугуни ва эртаси» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда суҳбат иштирокчилари ўзаро фикр алмашишди.

Тадбирда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов қатнашди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Пойтахт манзаралари. Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 20 майидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	46,81
1 Австрия шиллинги	5,08
1 Англия фунт стерлинги	98,99
10 Бельгия франки	17,34
1 Голландия гульдени	31,79
10 Греция драхмаси	2,24
1 Дания кронаси	9,38
1 БАА дирхами	16,46
1 АҚШ доллари	60,45
1 Миср фунти	17,86
1 Ирландия фунти	92,22
1 Исландия кронаси	0,86
10 Испания песети	4,24
100 Италия лираси	3,63
1 Канада доллари	44,09
1 Хитой юани	7,29
1 Қувайт динори	200,07
100 Ливан фунти	3,93
1 Малайзия рингги	24,25
1 Германия маркаси	35,74
1 Норвегия кронаси	8,62
1 Польша злотийси	19,24
10 Португалия эскудоси	3,55
1 Сингапур доллари	42,18
1000 Туркия лираси	0,44
1 Финляндия маркаси	11,85
1 Франция франки	10,61
1 Швеция кронаси	7,96
1 Швейцария франки	42,62
1 ЭКЮ	69,63
10 Жанубий Корея вони	0,68
10 Япония иенаси	5,23
1000 Россия рубли	10,47
1 Украина гривнаси	32,64
1000 Белорусь рубли	2,27
1 Эстония кронаси	4,77
1 Латвия лати	104,95
1 Литва лити	15,11
1 Қозоғистон тенгеси	0,80
1 Қирғизистон соми	3,37

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Конго — Зоирни озод этиш учун демократик кучлар уюшмаси раҳбари Лоран —Дезире Кабила «Зоирдаги ҳокимиятни ўз қўлига олишини» айтди. Халққа қаратилган радио мурожаатида Л. Кабила «Киншасдаги генераллар билан келишувга мувофиқ» давлат бошлиғи ваколатини ўз зиммасига олиши ҳақидаги қарорни қабул қилганлиги ҳақида баёнот берди. У, шунингдек, Зоир бундан буён «Конго Демократик Республикаси» деб аталишини таъкидлади. Зоир Президенти Мобуту Сесе Секо мамлакатда юз берган фуқаролар уруши туфайли Работга қочиб кетди.*

* * *

☑ *Монголияда кеча умумий президент сайловлари бўлиб ўтди. Президентлик лавозимга уч номзод — ҳозир ҳукуматни бошқараётган «Демократик иттифоқ» коалицияси томонидан П. Очирбат, халқ инқилоб партиясидан Н. Багабанди ва бирлашган консерватив партиясидан Ж. Гомбожавлар даъвогарлик қилишмоқда.*

* * *

☑ *Фаластин маъмурияти раҳбари Ясир Арофат ўтган шанба куни АҚШ Президенти Билл Клинтонга махсус нома йўллади. Унда таъкидланишича, АҚШ давлат котиби махсус вакили Деннис Россининг Яқин Шарқдаги воситачилик фаолияти тўла барбод бўлган. У, шунингдек, Россининг Фаластин ва Исроил ўртасидаги тинчлик музокараларини қайтадан тиклашга қодир эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтган.*

* * *

☑ *Россия Президенти матбуот хизматидан хабар беришларича, Хитойдан ўз ватанига қайтаётган Франция Президенти Жак Ширак Москвада қисқа муддатга тўхтаб, Россия Президенти Борис Ельцин билан учрашган.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Э. М. ҒАНИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Элёр Мажидович Ғаниев Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 19 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Т. Ғ. РАҲИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Тоҳир Ғофурович Раҳимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 19 май.

Ислоҳот ва масъулият

ДЎСТ БОШГА ҚАРАЙДИ

Қизириқ Сурхондарёнинг об-ҳавоси ажралиб турадиган туманларидан. Одамлари пахтани яхши кўришади. Ҳов, саксонинчи йиллари яхши ўсаётган ғўзанинг болдоғига «сифат белгиси» деган ёрлиқни осиб қўйиш билсангиз, қизириқликлардан чиққан.

Одамлар фарзандларига «Рўзи бобоси»дай пахтакор бўлсин деб фатво беришган. «Рўзи бобо»си деганимиз Рўзи Эргашев. Саксон иккинчи йилгачами, Қизириқда биринчи эди. Туманни эгарланган бедовдай қилиб олган эди.

Рўзи акага қойилман. Одамларга қандай қилиб яхши кўринишни биларди. Ҳа, одамлар Эргашевни яхши кўришар ва унга эргашиб кетишаверар эди. Эргашев пахтанинг академиги, чорванинг академиги деб айтилган гапларга мен тўла қўшилмайман. Эргашев ўзини китобий одам қилиб кўрсатгани билан китобдан, китобийликдан узоқроқ одам эди. Аниқроғи, китобий гаплардан кўра одамларни яхши биларди.

Яхши раҳбар — чин падар, деганларидек, Рўзи Эргашевнинг замонида туман обод бўлди. Чўл деб аталган жойларда булутдай чинорлар ўстирилди. Бир истироҳат боғлари яратилдики, уларда ўрнатилган йирик ва баланд чамбарак (карусель) тепасидан эллик чақирим наридаги Амударё кўринадиган бўлди.

Лекин ҳаммасидан ҳам зўри вақт чамбараги экан. Айланаверади, тўхтамасдан. Бировнинг иродасига бўйсинмасдан.

Рўзи ака бошқа ишга кўтарилиб кетди. Рўзи аканинг кимлигини қизириқликлар у кетгандан сўнг англаб бошлагандай бўлишди. Тўғри, унинг курсисига ўтирганларнинг ичида яхши ишлаганлари ҳам бўлди. Лекин, масалан тўқсон бешинчи йилларга келиб туман ўтириб қолди: одамнинг баҳри-дилини очадиган лимонзорларни совуқ урди. Очилиш маросими уч кунлик тантана билан нишонланган «Мостекстиль» деган қўшма корхона кўп ўтмай ҳувиллаб қолди. Юқорида эслатганимиз вақтида «сифат белгиси» тақилган пахта майдонларида... қамиш кўкариб бошлади. О, фалончи эллик центнердан пахта олиптия, деб бировнинг омадидан хурсанд бўлиб гапириб келган одамлар ўзгаргандай бўлиб қолдилар ҳатто. Пахта қолиб, иш қолиб, бошқа нарсаларни, масалан, ҳокимнинг фалон муовини фалон жойдаги қувурни кўпориб, уйига олиб кетибди, фалон раҳбар, уйим шўрламасин деб катта кўчани кесиб зовур ўтқазаяпти деганга ўхшаш гаплардан сўзлашадиган бўлиб қолдилар. Нафақат гурунгларда, мажлисларда сўзлашув оҳанглари бошқачароқ тус ола бошлади.

Одамлар орасида нима учундир мақол мақомига етмаган, иш (меҳнат) бўлмаган жойда гап кўп бўлади, деган фикр юради. Қизириқда пахта режалари бажарилмай боравергани сайин... гап кўпайди. Шу кўп гапнинг бири сифатида яқин танишимнинг яна бир ҳазилини илова қилай: «химчистка» деган мошинани ишлатамиз, деб уни хусусийлаштирдилар. Ишламади. Энди уни бир уюшма ихтиёрига ўтказмоқчилар. Яна ишламаслиги мумкин. «Бизнинг Қизириқда шундай: — пахта яхши бўлмаса, тикув мошиналари яхши ишламай қолади. Биз пахтага шунчалик ўрганган эканмиз», — дейди у.

Вақт ўтаверади. Чамбарак айланаверади. Бу айланишлардан бош айланиб қолмасин учун ожиз бандаси «пешонада ёзилганини кўз тортар» деган гапни ўзига суянчиқ қилиб олади.

Дарвоқе, тўқсон олтинчи йилнинг эрта кузида Йўлдош Шойматов Қизириққа ҳоким этиб тайинланди. Бу тайинловдан олдинига хурсанд бўлган Шойматов туманнинг далаларида қамиш ўсганини, «Химичистка» деган мошиналар ишламаётганини, мактабларнинг деразалари синиб ётганини кўриб, пешонада борини кўз тортар деган гапни такрорлайдиган бўлиб қолди.

Кўзи ўткир, ўзи бардошли кўринади лекин. Қаранг пахта даласи-ю ва бошқа хўжалик ишлари қатори мактабларнинг деразаларини, мактабларда неча дона футбол тўпи борлигини, қайси шифокорнинг тили дағаллигини ва яна бошқа муаммоларни бараварига илғаяпти. Шу илғашдан келиб чиқиб ишни бошлади. Бошланиши ёмонга ўхшамайди лекин.

Қизириқда йигирма беш минг гектарга яқин майдонда деҳқончилик қилинади. Озгина ошириб гапирадиганлар бу майдоннинг ярмини, чама олиб сўзлайдиганлар чорак фоизини шўрлаганга чиқаришар ва пахта-ю ғалла режаларининг бажарилмай қолаётганини асосан шунга боғлашар эди.

Янги ҳокимнинг фикри бошқачароқ. У айтадики, ер ўзидан ўзи шўрламайди. Ерни одам ўз қўли билан шўрлатади. Ернинг шўрини қочиришга бу йил 35 та эксковатор ташлангани — чидаёлмаслик. Шўрнинг давоси битта — меҳнат.

Шойматов айтадики, Қизириқда бу йил 40 центнердан ошириб буғдой ҳосили олинади. Ё насиб, бу режа амалга ошсами, бултургидан икки баравар кўп хирмон кўтарилган бўлади.

Зиёдуллабой деган акамиз бор. Асли бойсунлик. Катта бозорда ошпаз бўлиб ишлайди. Сиёсатга қизиқувчан, кузатувчан одам. «Шойматов ҳам худди ўзимиздай «простой» одам экан, — дейди Зиёдулла ака. — Бир гал келиб, сомсалар ширинми, оқсоқол, деб сурапти. Сомсанинг зўридан бор-да, дебман мен ҳам у кишини яхши танимаганга бориб. Тамадди қилди. Сомсанинг пулини тўлади. Раҳмат, деди. Кетди. Кейин билсам... — Шойматов. Ҳокимимиз. Энди ёшим олтмишга яқинлашиб сомсани «зўри» деб атаганимда, бу гапни яна ҳокимга айтганимдан, у киши харид қилган сомса пулини ошириброқ айтганимдан... эзилиброқ кетдим. Шу-шу, ўйлаброқ гапирадиган бўлиб қолдим. Фақат мен эмас, туман аҳли мудроқликдан қўзғалгандай бўлиб қолди. Бир нарсани англадимки, бирдан ожизлик-да, худога минг ишонганинг билан қадамингни раҳбарингга қараб ташлар экансан. У тўғри қадам ташласа-тўғри, нотўғри қадам ташласа... Дўст бошга қарайди, дейдилар. Туманимиз аҳли Шойматовни бошига кўтарди. Энди гап бошини омон бўлишида, бошнинг... соғлом бўлишида. Аллақандай васвасалар билан мияси чалғиган одамларнинг у-бу гапларидан шу бошнинг оғриб қолмаслигида...» Ошпаз акамиз қизиқиб фалсафага ўтиб кетаётганини фаҳмлаб қолдими, таққа гапдан тўхтади, кулди. «Шунчаки айтдим-да, деди. Ва яна айтдики, бу йил ва умуман бундан буён Қизириқда пахта яхши бўлади. Режалар бажарилади. Одамлар яхши ишлаяпти... Бу менинг элнинг оғзидан олиб айтаётганларим».

Ошпаз бобонинг «Элнинг оғзидан олиб айтаётганим» дегани — гапимга ишонса бўлади дегани.

Гапи рост чиқиб... «Иншоолло, рост чиқсин» пахта яхши бўлса, билингки, одамлар майда-чуйда гапларга қўл силтаб ишларию, орзуларини гўё қўшиққа солиб куйлайдилар. Боғларга хосиятли қушлар ин қурадилар. Мошиналар (жумладан, «химчистка» деган мошина ҳам) ишлай бошлайди. Юрт обод бўлади. Бундан зиёд саодат қайда.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хабарингиз борми?

БАНКЛАРАРО ҲАМКОРЛИК

Яқинда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Голландиянинг АБН АМРО банки ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш бўйича битим имзоланди.

Бу битимдан кузда тутилган асосий мақсад икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар савдо ҳажмини кўпайтириш, республикамизга хорижнинг илғор технологиясини олиб кириш ҳамда мамлакатимиз инвестиция лойиҳаларига молиявий кўмак беришдан иборат.

Шунингдек, шартномага мувофиқ, хорижлик банк мутахассислари кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантиришга амалий ёрдам бериши назарда тутилган. Айниқса, икки давлат товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорларига турли экспорт операцияларини амалга ошириш учун Абн Амро банки индивидуал молиявий ёрдам беришни зиммасига олган.

Шартномани республика ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси Рустам Азимов ва АБН АМРО банкининг катта ижрочи вице-президенти Ян Купман имзоладилар.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Гулистон МАТЁҚУБОВА

БУЮКЛИК КЕЛМОҚДА ЎЗБЕКИСТОНГА!

Мустақиллик мезонлари

1. ХАЛҚ ЁДИ

Биз кечаги кунларимизга, ўтиб кетган узоқ йилларга тарих деб қараймиз. Халқчи, бу уринда халқ тарихни яратувчи ва албатта шу тарихни авлоддан авлодларга етказувчи ҳамдир. Бир нарсага эътибор беринг. Болалигимизда ўқишни ва ёзишни ўрганганимиз заҳоти энг аввало ўқийдиган китобимиз эртаклар ва халқ оғзаки ижоди. У қалбимизга шундай теран кириб борадики, худо берган умрнинг барча йилларида ҳам бу эртаклар ва халқ достонлари қаҳрамонлари биз билан бирга қолади, биз уларни унута олмаймиз, аксинча йиллар ўтган сайин уларга бўлган меҳру муҳаббатимиз ҳам ўсади. Биз болаликда уларга тақдид қилиб, шу қаҳрамонларга ўхшашни орзу қилган бўлсак, фарзандларимизга ҳам илк мисолларни шу ўзимиз билган халқ эртакларининг ичидан оламиз, уларнинг эътиқодлари руҳида тарбиялашга ҳаракат қиламиз.

Мен халқ ёди деб меҳр ва ҳурмат билан тилга олаётган бойлик узоқ ва яқин кунларнинг хатоларидан бизларни омон олиб чиққанлигини таъкидламоқчиман. Яхшиям халқ ёди бор. Уларнинг оддий кўнгли такрорлаган, бири-бирига ўқтирган, меҳр ва яхшиликни, эзгу ният ва тоза мақсадларни достон қилиб, эртак қилиб, қўшиқ қилиб тўқиган ва асраб-авайлаб бизларгача олиб келган. Улар бу уринда на шоирликни, на ёзувчиликни, на бастакорлик ва на олимликни даъво қилмаган. Бизнинг кўкси яраларга, доғларга, алам ва кулфатларга тўлиб бизларга олий ва улуғ мерос бўлиб етиб келган она-юртимизда халқимизнинг бундай ёди ҳар уйда, ҳар кўнгилда. Шундан мустақилликнинг илк кунларидаёқ озод ҳаёт, эрк ва эркинликнинг шарафли нафасини жон-танимиз билан илғаб олганмиз. Чунки унда халқ ёди бор. Бу ёднинг асрлар қатида ётган нолалари, достону қўшиқ бўлиб вужудимизга ўрнашиб қолган, мустақиллик бу жонбахш қўшиқларга қанот берди.

Халқимизда шукроналик деган сўз бор. Бу сўзни яратган халқ унга ҳамиша амал қилади. Шукроналик халқимизни умрнинг ҳар қандай туфонларида қийинчиликлардан омон сақлади. Бирини икки қилди. Ёнган умр чироғини учирмади. Шу шукроналик айни шу кунларда ҳам ҳар биримизга сув билан ҳаводек зарур бўлмоқда.

Бугунги шукронамизнинг энг боши ота юртимиз, она Ватанимизнинг мустақил бўлишида. Шукроналик қилишимиз керакки, мустақиллик бизга тинч ва осойишта турмуш бериб, унда озод ва эркин меҳнат қилиш бахтини инъом этди. Шукроналик қилишимиз керакки, давлатимизни бутун бўйи басти, келиб чиқиши ва буюк тарихи билан бутун дунё тан олди. Шукроналик қилишимиз керакки, Тенгларнинг ичида тенглигимизни кафолатловчи Бахтимиз Қомуси — Ўзбекистонимиз Конституцияси қабул қилинди.

Президентимизнинг йўл-йўриқлари ва курсатмаларидаги бош йўналиш — мен юқорида тилга олаётган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. «Ислоҳотлар муқаррарлигининг ғоят муҳим шарти бўлмиш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақиқатан ҳам асосий узлуксиз устувор йўналиш ҳисобланади... Бозор иқтисодиётини барпо этиш — шунчаки бир мақсад эмас. Барча иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг пировард мақсадларининг ўзи, бу аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир». Президентимизнинг мустақиллик халқимизга берган бахтини, юртимизнинг обод келажагини таъминловчи бу йўналишлари эртанги кунга бўлган халқимизнинг ишончи, озод ва эркин меҳнат қилишининг ғаровидир.

Турткул районидаги Шурахон қишлоғи Қорақалпоғистонимизнинг шаклланиб бугунги кундаги даражасига келишида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавийгина эмас, балки сиёсий ҳам аҳамиятга эга бўлганлигини яхши биламиз. Онахонимиз ўша қишлоқда туғилиб ўсган. Ҳозир у саксон ёшлардан ошди. Ҳали тетик, фикрлари тийрак... Турткул шаҳрида яшайди. Суҳбатимиз ва мунозараларимиз онахоннинг ўзи яшайдиган маҳалла дўконидан аҳолига давлат томонидан берилаётган озиқ-овқатлар ва уларни халққа тарқатишдан бошланиб кетди. Шу куни онахон дўкондан бир халта ун олган экан.

Онахоннинг гапини тинглаб туриб ҳақиқатан ҳам мустақиллик халқимизга яратиб бераётган имкониятларнинг хилма-хиллигидан кўнглингиз тўлади.

Биби онахонниг отаси мен юқорида айтиб ўтган Шурахон қишлоғида туғилиб ўсган. 1920 йилларнинг охирларида бошланган коллективлаштириш, деҳқонларни қулоқ сифатида тугатиш сиёсати бу оиланинг бутун бахтини, умр ва тақдир йўлларини барбод қилган. Латиф Абдураимов ўзига тўқ оиланинг бошлиғи. 2 туяси, икки оти, сигир ва ҳўкизлари, қўй-ўчқорлари, 12 таноб ери ва бошқа деҳқончилик асбоб-анжомлари бўлган. Эрта баҳорда экиш мавсуми даврида Латиф ака ўз атрофига овулидан ўн-ўн беш деҳқон ёллаб уруғни ўз вақтида экишга эришган. Ўша даврларда кўпинча жўхори, арпа, бўғдой ва бошқа кўпгина полиз экинлари етиштирганлар. Шу ернинг катта қисмида ҳосилдор боғлар ҳам барпо қилганлар. Боғ экилиб турган ердан бошқа деҳқончилик маҳсулотларини мўл-кўл қилиб олишни ташкил қилганлар.

Шундай кунларнинг бирида бу хонадонга ҳам совет тузумининг офати — қулоқларни тугатиш бўйича бошланган ҳаракатнинг ижрочилари кириб келган. На ҳуқуқ, на инсоний муносабат ва виждон ва на раҳм-шафқат билмаган бу ҳаракат туфайли Латиф ака бисотида нимаки бўлса ҳаммасидан айрилган. Устидаги кийими ва жонидан бошқа бор мол-мулки мусодара қилиниб камбағалларга бўлиб берилган.

Суҳбатимизнинг шу ерига келганида мен онахонга савол бердим. Мен олдинлар ҳам бу саволимга жавоб излаб юрардим, лекин топмасдим.

— Ўша даврларда барча камбағалларни бой қилиш учун бойларнинг барча мол-мулки талон-торож қилинган бўлса, барча камбағаллар бойларнинг меросини бўлиб олган бўлсалар, уларга пул ҳам, мол-ҳол ҳам, ер ҳам, от-улов ҳам теккан бўлса, етмиш йиллар давомида нега шу камбағаллар бойиб кетиб, умуман бу турмушимиздан камбағаллик, ночорлик деган сўз йўқолиб кетмади экан, сиз менинг шу саволимга жавоб бера оласизми! Мана масалан ўзингиз айтдингиз, отангиз ҳар йил баҳорда экиш мавсумида ўн -ўн беш деҳқон ёллаб бирга ишлаб уларнинг бола чақаларига ҳам турмушга етадиган даромадини берар эди деб. Отангизнинг меросини бир қисми шу деҳқонларга ҳам текқандир ахир...

— Албатта, — дейди Биби опа — бу саволингга жавоб бера оламан. Отам билан энг яқин қўшни Рейим шамма. У болалари билан 15 жон бўлиб бизларнинг ерларимизда ишлар эди. Турмушлари ёмон эмас эди. Отам совет ҳукумати томонидан аянчли аҳволга тушгандан кейин мулкимизнинг ярмидан кўпи унга ўтиб кетди. Айниқса ер ва молларимиз. Шунда у камбағалга замон келди, деб отамни ва бизларни калтаклаб уйдан чиқариб юборди. Кекса энам уларни қандай ёмон қарғаганини мен ҳеч эсимдан чиқарганим йўқ, эсимдан чиқмаса ҳам керак бу.

Шу ерда мен бир нарсани айтиб беришим керак. Отамиз шу Рейим шаммага олдиндан ҳам икки ярим таноб ер бериб қўярди, улар шу ерга ҳам бутун оила аъзолари билан биргалашиб қараб мўл ҳосил олиш ўрнига, ерни буш қолдириб, эколмай, ишни туголмай куни келганида яна отамиздан ёрдам сўраб, ялиниб келарди.

Энди ундан ҳам катта бойликка эга бўлганидан кейин роса бойиб кетгандир деган хаёлга борма қизим, отам-ку қулоқ қилиниб қаерларгадир олиб кетилди, бизлар онамиз билан кўчада қолиб, шу Рейим шаммадан қанча хўрликлар кўрдик. Шунда онамиз буларнинг сўнгтини берсин дегучи эди. У раҳматлик кўролмади мана мен уларнинг сўнгтини кўрдим, отамдан уларга теккан бизларнинг бисотимиз бирор боласига ҳам юқмади, на ерни ишлатиб билди, на мол-ҳолдан фойдаланиб. Олдиндан турганларни еб ичиб бўлгунча яхши яшадиларда, кейин қўлларидан ҳеч нарса келмай тўз-тўз бўлиб кетдилар. Отамнинг нима учун, қайси гуноҳлари учун ва қаерга олиб кетилганини биз била олмадик. Орадан кўп ўтмай шу қулоқ қилинганлар аристонлар деб аталиб Турткўлнинг Мискин овулида қазилиб бошлаган Пахтаарна соқасига, қазувга олиб келинди. Уларнинг куни ит кунидан ёмон эди...

Ҳали суҳбатимизни батафсил айтиб бермаган бўлсам ҳам шу уринда айрим фикрларимни шарҳлаб ўтмоқчиман. Нима учун айрим одамлар бугунги куннинг қийинчиликларига чидай олмай, ўша совет даврини қўмсаб қоладилар? Шу оддий кампир онахон айтиб берган воқеа унинг мурғак болалик қалбида шаклланиб бугунги кунгача етиб келиб ҳамон фиғон қилади, ҳамон совет ҳукумати уларнинг оиласи бошига солган кулфату етимсирлик азобларини унута олмайди. Ахир, унинг отаси ҳеч кимнинг ҳақига хиёнат қилгани, ўғирлик қилиб мол-мулк тўплагани йўқ эдику. Унинг тинч ва бахтли ҳаёти, ўзига тўқ турмуши, ҳалол меҳнати эвазига келган эди. Шу меҳнатини сен бойидинг деб, қўлидан иш келмай ўтирганларга, булар камбағал деб, олиб берсалар, бутун умри давомида қурган уйига эса ҳукуматнинг қандайдир идоралари эгалик қилса. Бу зўравонлик ва адолатсизлик эмасми? Майли, шу билан совет ҳукумати камбағалларнинг бошларини силаган ҳам дея қолайлик. Лекин бойликларга эга бўлган камбағаллардан камбағалчилик йўқолиб кетмади-ку, аксинча улар тайёрга айёр бўлдилар ва охир оқибатда борини ҳам тутиб билмадилар ва яна ночорликда қолдилар. Совет давлати эса барча ҳокимият меҳнаткашларники деб, уларни ётиб ейишга ўргатди. Эмишки, ўша даврларда ун энг арзон эди. Лекин ниманинг эвазига. Шунинг эвазигаки, бу халқни яхши яшаш учун фикрлашга, ўйлашга ўргатмаслигимиз керак, бунинг бир йўли қорнини тўқ, устини бут қилиш. Улар фақат айтилган ишни қилсин, бошқа ташвишини давлат ўз зиммасига олади. Натижада нима бўлди? Шундай бўлдики, совет ҳукумати ҳаммани бой эмас, ҳаммани камбағал қилди, ҳатто бойларни ҳам камбағаллик йўлига чиқариб қўйди.

Қалбимиз, кўнглимиз ҳам қоронғилашиб, маънавиятимиз қашшоқ бўлди, кўзимиз кўрмайдиган, қалбимиз сезмайдиган бўлди...

Мен онахонга бу фикрларни айтсам, у кўзига ёш олди. Шуни одамларга ҳам айт деб илтимос қилди. Лекин тушунганлар кўп, менга ўхшаб ўша даврларда азоб кўрган оилалар сон мингта, бугунги кунларнинг қадрига улар етади, етаяптилар ҳам. Улар меҳнатдан қўрқмайдиган, ўз умрларини меҳнати эвазига тўқ ва бадавлат қиладиганлар, ёруғ дунёга келиб кун кўролмаса бировларга ёки давлатга миннат қилмайдиганлар кўп эканлигига ишонаман. Лекин шундай бўлса ҳам айт. Бир мисол билан айт. Менку қиз бола эдим. Қўлимдан ҳеч нарса келмасди. Лекин барибир отамиз 29 ёшида шу совет ҳукумати туфайли айбсиз равишда жувонмарг бўлиб, ҳаётдан кўз юмиб кетган бўлса ҳам, ёлғиз акам билан мен бу ер юзидан йўқолиб кетмадик. Мен шаҳардаман, лекин отамнинг чироғи ўзининг овулида ёниб турибди. Мустақиллик йиллари келиб биз ўзимизни тез тиклаб олдик. Айрим бир кишиларнинг нотовонлигига ҳайрон қоламан. Оддийгина пул топиш йўлини билмайдилар. Мана мен бундан тўрт йил олдин оиламизда бир иш қилдим.

Қиш охирлаганда бозорда бузоқлар арзон бўлади. Моллар-нинг ем-хашаги тугагач сотишга олиб келадиларда. Мен ўғлимга пенсиямдан тўплаб қўйган пулларимни бердимда, арзонгина икки бузоқ олиб келишни буюрдим. У шундай қилди. Ана шундан бери қиш охири баҳор бошида ёш бузоқ оламиз, кузгача боқамиз, томорқамиз бор, молларга берадиганини ундирамиз. Бузоқни кузгача боқиб ўн беш минг, йигирма минг қиламиз...

Мен бунга ҳеч қандай изоҳ бера олмайман, ўзингиз баҳолаб, хулоса қилиб олишингиз мумкин.

2. ЭНГ АЗИЗ МЕРОС — ОНА-ВАТАН

Дунёга келган инсон албатта ўз изида келадиган кунлар учун нимадир қолдиради. Фарзанд, мол-мулк, топган обру-эътибори, кимгадир қилган яхшиликлари... Буни санаб адо этиб бўлмайди. Лекин ундан яна келажак кунларга у туғилиб ўсган, киндик қони томган бир кафт ер — ота макон, азиз тупроғи ҳам қолади. Бу мерос энг азиз мерос, энг муътабар ва қадрли бойликдир. Тириклигимизда нимаки қилган бўлсак шу азиз заминга ёзилади, изи тушади, асло ўчмайди. Шунинг учун ҳам мен айтадиган фикрларимни шу меросимиз ҳақида бошладим. Шу меросни яратаётган фидокорларга менинг ҳурматим ва меҳрим чексиз. Улар ҳар қандай мақтовга, ҳар қандай эҳтиромга лойиқ одамлар деб биламан.

Мустақиллик халқимиз бахтига бахт қўшиб, ҳур ҳаётимизга бой мазмун берар экан, биз Президентимиз И. А. Каримовнинг ҳар бир даъватини ишонч ва фидойилик деб қабул қиламиз.

...Мен башоратчи эмасман, албатта. Лекин янгиланишларга, тоза бир мусаффо нафасга тўла ҳар бир отган тонгимиз она юртимизда бўлаётган оламшумул ўзгаришларни кўпайтираётганини кўриб, олдимизда авлоду аждодларимиз фақат орзу-армон қилган, кўришга интилган лекин кўролмаган бир мунаввар кунлар келаётганлигига ишонмай иложинг йўқ.

Шу уринда бир савол пайдо бўлади. Биз мустақиллик берган бу улуғ бахтга қувониб шукроналик қилар эканмиз, Ватан тушунчасининг нақадар ардоқли ва муътабар эканлигидан бошларимиз осмонга етар экан, шу Ватанимиз учун биз нималар қилаяпмиз, қўлимиздан нималар келади-ю, биз уни қандай қилиб шу юртнинг ривожланишига сарфлаяпмиз? Мен ўйлайманки, шу савол барча-барчамизни қийнаб, хотиржам ва лоқайд бўлишимизга йўл қўймай туриши керак.

Баъзида ўйлаб қоламан. Табиат бағридаги тоғу дарёлар, адир ва қирлар, бепоён саҳро ва даштлар... Ҳар ким ўз Ватани, туғилиб ўсган юрти гўзалликларини юрак-юракдан ўтказса, шу ерда туғилганига кўнгли тоғдай ўсади. Узбекистонимизни табиат бойликларнинг ҳеч қайсисидан маҳрум қилмаган. Узимизнинг дарёларимиз, тоғларимиз, саҳроларимиз... Ким қаерда. Ким тоғлик қишлоқларда туғилади, ким даштларда, ким боғу роғлар қўйнида. Ҳаммаси ўзига яраша гўзал, ўзига яраша жозибадор...

Кимлардир Қорақалпоғистонда туғилганига ўкинади. Орол муаммолари, унинг оқибатида келиб чиқаётган экологик қийинчиликлар, ичимлик сувининг истеъмолга яроқсизлиги, ерларнинг шўрлаб кетаётганлиги ва ҳакозо... Мен буларнинг ҳеч қайсисини инкор қилмоқчи эмасман. Бу ҳақиқат. Бу шундай ҳақиқатки, Президентимиз И. А. Каримов давлатимиз сиёсатини инсон манфаатлари учун хизмат қилишини таъминлаётган экан, ҳаммамиз биламиз шунинг ичида асосий диққат марказидаги ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларнинг энг аҳамиятлиси Орол денгизи ва унинг оқибатларини бартараф қилишга қаратилган тадбирлардир.

Биз туғилиб ўсган юрт Узбекистонимизнинг ўттиз етти фоиз ҳудудини ўз ичига олади. Қорақалпоғистонда ҳар бир фуқаро бу катта бахтдан фахрланиб яшайди. Мустақиллик туфайли бошларимиз устидан чиққан эркинлик ва озодлик офтоби туфайли бу заминда ҳам усиб-униш, улғайиш, ривожланиш, гуллаб яшнаш, ободончилик эшикларини очишдек беқиёс имкониятлар пайдо бўлмоқда. Иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий, сиёсий ислоҳотларнинг барчаси бу ўлкада ҳам ўзининг илк натижалари билан халқимизни қувонтирмоқда. Бу қувончни яратувчилари ҳам шу халқнинг ўзи, шу халқнинг фидокорлиги ва меҳнатсеварлигидир.

Мен туғилган юртимдан узоқда юрсам менга қаерликсиз деб савол берсалар, Туркистонданман деб жавоб бераман. Сўнг бундай давлат қаерда деб сўрасалар шарҳлай бошлайман. Президентимиз И. А. Каримов «Туркистон умумий уйимиз» ғоясини ўртага ташлаганда энг аввало қорақалпоғистонликлар уни мамнуният билан кутиб олган эдилар. Президентимизнинг: «Қадим қадим замондан Турон-замин деб аталган бу поёнсиз кенгликларда қозоғу ўзбек, қирғизу туркман барчамизнинг ота-боболаримиз от суриб ўтганлар. Не-не босқинларни, қирғинларни кўрган бу тупроқни боболаримиз ёнма-ён туриб ҳимоя қилганлар. Бинобарин бизнинг тарихимиз ҳам, тақдиримиз ҳам бирлашиб кетган ва Аллоҳ таоло берган азалий ва абадий насибамиздир»,— деганида катта ҳақиқат бор ва Туркистон — умумий уйимизга интилишимиз табиий бир ҳолатдир.

Қоралқадпоғистонда эса Марказий Осиё халқлари қорақалпоқ халқи билан бирга неча асрлардан бери бирга яшаб меҳнат қилиб келмоқда.

Яқинда Беруний туманига қарашли «Қизилқалъа» қўйчилик ижара хўжалиги чўпонлари ҳузурида бўлдим. Қизилқумнинг кенг ва сахий бағрида баҳор ўзининг жами гўзалликларини намойиш қилиб турган кунлар. Осмонлар этагига тўташиб кетган кенгликларнинг сеҳрли ва жозибадор кўринишларида табиатнинг ҳаётбахш ва жонбахш нафаси кезиб юргандай. Мустақилликнинг нафаси мана шу кенгликларга қай даражада етиб келди, бу кенг саҳроларнинг намхуш салқин ҳаволарда, саратоннинг қуш учса қанотини куйдирадиган жазирамаларида қўй-қўзиларининг изида юрувчи бу меҳнаткаш ва камтарин инсонлар ўзларининг қилаётган хайрли ишлари эл юртининг эртанги кунини яратаётганини улар билиб сезаяптиларми?

Хўжалик раҳбари Олламберган Исхоқов менинг бундай саволларимга сал ўйланиб, сукут сақлаб, камтарона жавоб берди.

— Мен бу хўжаликда ўтган йили апрелдан бери раҳбарлик қилаяпман. Қўйчиликнинг ўзига хос қийинчиликлари аграр секторидаги ислоҳотлар давомида ҳали етарли натижалар олишимизга тўсқинлик қилаяпти, албатта. Мустақиллик ва бозор муносабатларига ўтиш даврида-ги Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан чорвачиликни ривожлантириш борасида имкониятлар, йўл-йўриқ ва аниқ кўрсатмалар етарли эканлигини биламиз.

Олламберган сал тортиниб техника ва унинг эҳтиёт қисмлари етишмаслиги, шу сабабдан ҳар йили баҳорда хўжаликда экиш учун ажратилган ерлардаги ҳосилдорлик паст бўлаётганлиги, чорвадорларга шоли, дон, сабзавот экинлари, боғ барпо қилиш бўйича олдига қўйган режалари тўғрисида айтиб берди.

Бу йилги баҳор яйловларнинг серунум бўлишига имконият яратди. Қўзилатиш мавсумининг, жун қирқимининг муваффақиятли ўтаётганлиги чўпонларнинг ҳам кайфиятини кўтараётганлигини кўрдик. Энг асосийси Олламберган қўйчиликни бугунги кун талаблари даражасига олиб келиш учун нималар қилиш кераклигини, жуда яхши англаб етган. Биз чўпонларнинг манфаатдорлигини кўтаришимиз учун бу ерларга саноатни олиб келишимиз керак. Биз қорақўл териларимиз, жунни тайёр маҳсулот ҳолида сотишга йўл очилишини таъминлашимиз кераклигини яхши тушунамиз.

Хўжаликда олий маълумотли мутахассислар сони нечта, деб сўрадим Олламбергандан. У барча соҳа мутахассисларини ҳисоблаб, икки юзга чамалашиб қолар, деди. «Шуларнинг ичида иқтисодчилар қанча эканлигини биласизми?» Олламберган индамади. Бу тўғрида ўйлаб кўрмаган бўлса керак, мақсадимни тушуниб олдида суҳбатимиз сўнгтида аниқ фикрлар билдирди.

Иқтисодчилар ҳаммаси бирлашиб бугунги кунда хўжалик даромадини кўпайтиришни ўйлашлари керак-да. Чунки шу хўжалик қошида жундан ип йигирув қичик фабрикалари, чўпонларнинг ўз фарзандлари учун иссиқ жун пайпоқлар, жакетлар, бош кийимлар тайёрлайдиган кичик тўқув цехлари, терини қайта ишлаш фабрикалари очиш мумкин. Буларни кимдир четдан келиб ишлаб бермаслигини шу хўжаликнинг эртанги куни учун меҳнат қилаётганлар яхши билишлари ва бу тизимни ривожлантириш учун бош қотиришлари керак бўлади, албатта.

Олламберган буларнинг ҳаммасини қай тариқа амалга оширишнинг аллақачон режаларини тузган. Мақсадли кредитлар олиш учун қатор лойиҳалар ҳам тайёрланаётганлиги тўғрисида айтиб берди.

Энг асосийси шуки, чўл бағридаги улкан ҳаётнинг бир бўлаги инсон турмушининг тўкин-сочинлигини таъминлашини ҳисобга оладиган бўлсак улар қилаётган меҳнат ҳар қанча таҳсинларга сазовордир.

Шу эмасми юртимизнинг эртанги куни учун қилинаётган фидойилик. Мустақиллигимизнинг ҳур нафаси кезар экан, албатта, келажак авлодга қолдирадиган энг муқаддас мерос она-Ватаннинг олий камолоти, буюк келажаги меҳнат одамлари қўлида эканлигини ишонч билан айта оламиз!

Менинг ҳам юрагимда шундай бир улуғ ишонч яшайди. Бу ишонч Узбекистонга келаётган буюкликни ойдин тонгларда, янгиланишлар, мазмунга тўла янги кунларда, кўнгли очиқ одамларнинг энг тоза ва самимий ниятлар билан фотиҳага очилган қўлларида кўради.

Оқ йўл сенга улуғ ниятлар! Оқ йўл сенга она юртимга келаётган буюклик!

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«БОЗОРНИНГ ШОВҚИНИ ЕТМАЙДИМИ?»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1997 йил 6 февраль сонида эълон қилинган «Бозорнинг шовқини етмайдими?» сарлавҳали мақола юзасидан «Тошбозорсавдо» уюшмаси бошқаруви қуйидагиларни маълум қилади.

Мақолада кўтарилган мавзу, яъни овоз ёзиш студияларининг кўчманчи ва норасмий шаҳобчалари фаолиятини тартибга солиш масаласи ҳақиқатдан ҳам муҳимдир. Шуни эътиборга олиб, уюшма бошқаруви томонидан шаҳардаги барча бозор акционерлик жамиятлари раҳбарларига бозорлардаги овоз ёзиш студиялари сонини аниқлаш, уларни рўйхатга олиш, ижара ва хизмат кўрсатиш шартномаларини тузиш юзасидан кўрсатма берилди.

Шартномада овоз ёзиш студияси раҳбарларидан жамоат тартибига риоя этишни талаб қилиш алоҳида кўрсатиб ўтилади.

Уюшма бошқаруви раиси
Ш. АБДУЛЛАЕВ.

«ИСТЕЪДОДЛАРГА ЙЎЛ ОЧАЙЛИК»

Чортоқ туман ҳокимлиги газетанинг шу йил 20 февраль сонида босилиб чиққан юқоридаги сарлавҳали мақолани тумандаги барча маданият ходимлари иштирокида атрофлича ўрганиб, муҳокама этди. Муҳокама чоғида мақолада ўринли таклиф ва мулоҳазалар билдирилгани эътироф этилди.

Республика Президенти томонидан маънавиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётган бир пайтда маданият муассасалари томонидан турли хил тўгараклар, жумладан, драма тўгараклари ташкил этиш, уларга ёшларни кўпроқ жалб этиш энг муҳим вазифалардан биридир. Зеро, ёшларни маънавий камол топишларида маданият саройлари, қишлоқ клублари ва кутубхоналар имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишга эътибор қаратиш вазифаси топширилди.

Шунингдек, Чортоқ туман маданият саройи қошида драма тўгараги ташкил этилиб, унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Раҳмонов раҳбар этиб тайинланди. Тегишли маблағлар, ҳомийлик масалалари ҳам тезда ҳал этиб берилди.

Туман ҳокимлиги бундан кейин ҳам маданият муассасалари ишини назорат қилиш билан бирга уларга доимий ёрдам бериб боради.

Чортоқ туман ҳокимининг ўринбосари
Э. ЎРИНБОЕВ.

«АЛАМ ҚИЛМАЙДИМИ?»

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1997 йил 22 февраль сонида чоп этилган «Алам қилмайдими?» сарлавҳали мақоласини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Ҳақиқатдан ҳам, Таллимаржон шаҳри яқинидан 18 километр узоқликда Муборак-Келиф магистраль газ қувури ўтган бўлишига қарамасдан, айни пайтгача шаҳарга газ келтирилмаган.

1990 йилда Қарши бош каналини ишлатиш бошқармаси ташаббуси билан «СредазНИИгипрогаз» лойиҳалаш институтига буюртма берилиб барча лойиҳа ҳужжатлари тайёрланган.

1993-94 йилларда мазкур бошқарма томонидан лойиҳадаги 18,6 км. юқори босимли газ қувурларининг 11,3 километрида монтаж ишлари бажарилган. Шаҳар ичида 13 километр паст босимидаги газ қувурлари монтаж қилиниб, 12 та газ тақсимлаш нуқтаси ўрнатилган. Кейинги икки йил давомида маблағ танқислиги сабабли монтаж ишлари бажарилмасдан қолган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 декабрдаги 538-Ф-сонли фармойиши асосида 1996-97 йиллар давомида Таллимаржон шаҳрида газ тақсимлаш станцияси, чала қолган 7,3 км. юқори босимли газ қувурларини қуриб тугатиш «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси режасига киритилган.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари
Т. КАРИМОВ.

«ҚОНУН ҲАММА УЧУН ТЕНГ-КУ?»

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1997 йил 29 мартда чоп этилган «Қонун ҳамма учун тенг-ку?» номли мақоласида кўрсатилган далилларни Жарроҳлик илмий маркази ходимлари билан биргаликда таҳлил қилиб қуйидагиларни маълум қилади.

Ҳақиқатдан ҳам, рўзномада кўрсатилган далиллар текшириш натижасида ўз исботини топди.

Марказ раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисидаги қонунини амалга ошириш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Марказда эълон, маълумотлар ва асосий ҳужжатлар давлат тилида юргизиляпти.

Бош бошқарма бошлиғи
П. МЕНЛИҚУЛОВ.

Партия ҳаёти

МАЪНАВИЯТ ҲАМКОРЛИККА УНДАЙДИ

Хоразм вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши пленуми музокараларида сўзларкан, партия фаоллари эътиборига қизиқ таклиф ташлади. «Экологик вазият бузилган шароитда биз энди биргаликда фаолият кўрсатишимиз, партия аъзоларининг эътиборини бирламчи асосда — атроф-муҳит муҳофазаси масалаларига қаратишимиз керак. Вилоят марказини кўкаламзорлаштириш масаласи ҳар йили неча карра айтилиб, мавсумий ишлар қилинса-да, охир-оқибатда шаҳар кўчалари ҳамон яланғоч. Ёки терак экиш борасида режалаштирилган ишлар ҳам аро йўлда қолиб кетди. Фалон туп терак экилди, деб юқорига ахборот жўнатиш билан иш битмайди. Экилган ниҳолларнинг тўла униб чиқиши, ривожланиши, парваришланиши масаласини диққат назаримизда тутмоғимиз шарт. Ёки тадбиркорлар Урганч шаҳри кўчалари йўлакларига керак-кераксиз дўкончалар қуриб ташлаб, шаҳар меъморчилигини бузиб юборишди...

Вилоят партия ташкилотининг маънавият ва демократик ўзгаришлар масаласига бағишланган навбатдаги пленум қизиқарли ўтди. Унда нотиқ ҳам, музокарачилар ҳам куннинг долзарб масалаларини ишончли фақт, мисоллар билан кўрсатиб беришди.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Раҳимбой Тоҳиров яна бир таклифни ўртага ташлади — шу йилнинг ўзидаёқ икки ташкилотнинг қўшма пленумини ўтказиш ва бунда экологик мувозанат бузилган воҳада кун тартибида кўндаланг турган масалаларни кенг муҳокама қилиб, аниқ иш режаси белгилаб олиш. Бу ҳам яна маънавият билан боғлиқ...

Яхши таклиф. Амалий истак. Ҳамма гап энди ижро қилишда!

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЗАНГОРИ ОЛОВ» ВА МАНФААТ

«Жиззахгаз» бошқармаси бош муҳандиси Дувлон ПАРМОНОВ билан суҳбат

— Дувлон Қорабоевич, мустақиллик туфайли барча соҳада бўлгани каби халқ хўжалигини ва аҳолини табиий газ билан таъминлаш борасида ҳам кескин бурилиш ясалди. Айтингчи, мамлакатимиз Президенти Фармони асосида Жиззах вилоятида шаҳар ва қишлоқларни табиий газ билан таъминлаш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

— Дарҳақиқат, юртбошимиз Фармонини ҳаётга тадбиқ этиш биринчи галдаги вазифамиз бўлиб турибди. Агар 1990 йилда вилоят аҳолисининг 52,6 фоизи табиий газдан баҳраманд бўлган бўлса, 1996 йилга келиб бу кўрсаткич 70,2 фоизга кўтарилди. Бу — мустақиллигимизнинг халқимизга берган катта инъомларидан биридир.

Вилоят газлаштириш бошқармаси ўтган олти йил давомида 1174,1 километр турли босимдаги газ қувурларини тортиб фойдаланишга топширди. 1990 йилда вилоятимиз аҳолига табиий газ етказиб беришда республикада охирги ўринларни эгаллаган бўлса, ҳозирга келиб аҳолини табиий газ билан таъминлаш борасида бешинчи ўринга кўтарилди.

— Бугунги кунда олиб борилаётган ишлар кўламига батафсил тўхталиб ўтсангиз?

— Ҳозир вилоятимиз бўйича жами 101472 та хонадон, 1272 та маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва 101 та саноат корхоналари табиий газ билан узлуксиз таъминланмоқда. Ўтган йили 719 миллион куб метр табиий газ режалаштирилиб, амалда 789 миллион куб метр газ тарқатилди.

Халқ хўжалиги ва аҳолига табиий газ етказиб беришда газ қувурларини асраб-авайлаб ишлатишнинг аҳамияти катта. Вилоятимизда ер ости газ қувурларини капитал таъмирлашга жиддий эътибор берилмоқда. Зарбдор туманида 0,8 километр, Зафаробод туманида 8,5 километр газ қувурлари ер юзасига чиқарилиб, капитал таъмирланди. Арнасой, Гагарин, Дўстлик туманларида ҳам 16 километр масофадаги газ қувурлари ер юзасига чиқарилди.

«Жиззахгаз» бошқармасида иш юритишнинг замонавий усуллари жорий этилмоқда. Тармоқни автоматик равишда бошқаришда компьютерларнинг афзаллиги сезилмоқда. Жумладан, 12 та компьютер сотиб олиниб, бошқарманинг шаҳар ва туман газ хўжаликлари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилди. Компьютерлар ёрдамида эндиликда хонадонлардан, саноат ва маиший хизмат корхоналаридан тўлиқ маълумот олиш имкони яратилди. Келажакда барча туман ва шаҳар газ хўжаликларининг бир-бири билан тўғридан-тўғри боғланиши йўлга қўйилади. Ана шу тармоқни тащкил этиш учун АҚШнинг

Далил ва таҳлил

«Моторолла» фирмасида ишлаб чиқарилган энг замонавий жиҳозлар ўрнатилади.

— Халқ хўжалиги ва аҳолини табиий газ билан янада кўпроқ таъминлашга, ишни яхшилашга тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам бордир?..

— 1996 йилда вилоятимизда 2900 хонадон газлаштирилди. Бу кўрсаткич анча паст. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг аҳоли хонадонларини газлаштиришда газ ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш тўғрисида қарори бор. Республикамизда газ ҳисоблаш ускуналари кам ишлаб чиқарилади ва улар асосан четдан келтирилади. Ҳозирча биз ана шундай газ ҳисоблаш ускуналари билан имконият даражасида таъминланмаяпмиз. Бу камчиликлар бартараф этилса, жойларга табиий газ етказиб бериш янада тезлашади.

— Меҳнат аҳлига кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида нима дея оласиз?

— Ҳозир бошқармамизда 841 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Йил давомида уларга 274 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Ишчиларимизнинг маданий дам олиши ва соғлигини тиклаш учун 896 минг сўм маблағ ажратилди. «Зангори олов» ўқувчилар лагерида ишчи-хизматчиларимизнинг 300 нафар фарзандлари бепул ҳордиқ чиқарадилар. Инсон манфаатлари йилида ишчиларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик кўламини янада оширишни режалаштирганмиз.

Суҳбатдош: А. СОДИҚОВ.

Чўпонни таёғидан бил... **Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.**

ҚОИДАБУЗАР ПИЁДАЛАР

Қаерда йўл ҳаракати қоидаси бузилса, фикримиздан айбдор сифатида албатта транспорт ҳайдовчиси ўтади. Ёки аксарият кишилар йўл ҳаракати қоидаларини ҳайдовчиларгина билиши зарур деган ўйда яшайдилар. Гўё ҳайдовчи қоидани яхши билса олам гулистондек.

Олиб борилган тадбирлар транспорт билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг 90,1 фоизи пиёдаларнинг йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига риоя этмасликлари натижаси эканини кўрсатди.

Йўлларни транспорт қатновисиз тасаввур этиб бўлмайдиган замонда йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш-ўргатиш қониқарлими?

Ўрта мактабларда йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш учун маълум соатлар ажратилган. Аммо ажратилган соатларда машғулотлар қониқарли ўтиляптими? Машғулот олиб борувчилар етарли тушунчага эгами? Шундай саволлар билан мактаб муассасаларида махсус текшириш олиб бордик. Текширишлар шуни кўрсатдики, йўл ҳаракати қоидаларини ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам яхши билишмас экан. Тўрақўрғон туманидаги 2-, Наманган шаҳридаги 20-ўрта мактабларда бу борадаги ишлар мутлақо қониқарсиз ташкил этилган.

Ажабланарлиси шуки, қоидабузар йўловчиларнинг аксарияти катта-кичик жамоаларнинг раҳбарлари, ҳатто ўзларининг шахсий транспорти бор ҳайдовчилик гувоҳномасига эга шахслар.

Наманган шаҳридаги «Омад» фирмаси бошлиғи Ҳошимжон Иномов «Дўстлик» кўчасидаги серқатнов йўлнинг белгиланмаган жойидан кесиб ўтиб, транспорт қатновига халақит бергани ва бу билан ўз ҳаётини хавф остида қолдиргани учун маъмурий жазога тортилди. Янгиқўрғондаги «Меҳнат» кичик корхонаси директори Умархон Пўлатхўжаев, «Гўзал» шифохонаси жарроҳи Комилжон Саидвалиев, Наманган туманидаги кўчма колонна иқтисодчиси Комилжон Юсупов, Чустдаги спорт мактаби мураббийси Нажмиддин Исабоев, Уйчи туман халқ таълими бўлими ходими Ғуломжон Жўраев каби қоидабузарлар рўйхатини давом эттираверишмумкин.

Далиллар устида ўйланиб қоласан, киши. Наҳотки йўл қоидасини билмаслик ёки билганда ҳам унга риоя этмаслик оқибатида содир бўлаётган кўнгилсизликлар, аксарият ҳоллардаги оналар фарёди, болаларнинг кўз ёшлари ҳам ҳушёр торттирмаса, кўпларимизни.

Раҳимжон ҚОСИМОВ,
Нурмамат НАСРИДДИНОВ,
Наманган вилоят ИИБ ДАН бўлими масъул ходимлари.

Йўғ-е!

ЕТМИШ ТЎРТ ЁШИДА ЕТТИНЧИ МАРТА СУДЛАНДИ

Дунёнинг ишлари қизиқ экан-да. Ёшлиги шўх, боринғки, жанжалкаш ўтганлар ҳам ёши бир жойга бориб, соч-соқоли оқаргач, узини босиб олиши табиий. Афсуски, қариб қуйилмаганлар ҳам учраб турар экан. Қуқонлик 74 ёшли Йўлчибой Улмасов қариган эса-да тегажоғликни ташламабди. Бир куни ҳаммаҳалласи Исроилжон Иброҳимов хотини Гулнорани етаклаб Йўлчибойнинг олдига жаҳл билан кириб келди.

— Сиз, — деди у ҳаяжонланиб, — хотиним Гулнорани тутинган қизим дегансиз. Лекин унга кўз олайтириб тегажоғлик қилаётганингизни биламан.

Кекса чолдан рашк қилган эр билан отахоннинг даҳанаки жанги муштлашувга айланди. Йўлчибой отанинг чақириғи билан ўғли Умид ҳам муштлашувга аралашди. Исроилни Йўлчибой маҳкам қучоқлаб олди. Умид эса қўлидаги темир таёқ билан уриб И. Иброҳимовнинг чап оёғи болдир суягини синдирди...

Қарабсизки, соқоли оқарган отахон яна суднинг қора курсисига, бу сафар энди 20 ёшли ўғли Умиджон билан ўтирди. Шуниси ачинарлики, бу Йўлчибой Улмасовнинг еттинчи марта судланиши эди. Ҳа, ақл жаҳлни бўйсундириб олмаса кексайганда ҳам шундай кулгили, ҳам куйдиргули аҳволга тушиб қолиш мумкин экан. Суд безори ота-болага тегишли жазо белгилади.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АФҒОНИСТОН: ЙЎҚОТИШЛАР, ФОЖИАЛАР, КУЛФАТЛАР

БИРИНЧИ МАҚОЛА

Афғон халқи бошига мислсиз кулфатлар солган, халқаро терроризм, наркобизнес, қуролларнинг тарқалиши манбаи бўлиб қолаётган бу уруш қўшни Тожикистондаги шуқсиз ҳам таранг вазиятни янада кескинлаштирмоқда.

Ислом КАРИМОВ.

Ҳудуди 652,2 минг кв. км.га тенг ва 17 миллионга яқин аҳолига эга, Ўрта Шарқда жойлашган Афғонистон муҳим сиёсий-жўғрофий мавқега эга. У, бир томондан, табиий қазилмаларга бой Марказий Осиё давлатлари билан чегарадош, иккинчи томондан, ранг-баранг табиий бойликлар ва транспорт коммуникацияси маркази бўлган Ҳиндистон ярим оролига ҳам яқин. Ҳиндистон ярим ороли Афғонистондан шарқдан ғарбга 1200 километрга чўзилган. Ҳиндиқуш тоғ тизмаси билан ажратилган, холос. Мамлакат ҳудудининг 70 фоизини тоғлар ва паст тоғлар эгаллайди. 1978 йил Савр тўнтарувидан илгари Афғонистон саноати ривожланаётган аграр давлат бўлган. Қишлоқ жойларида аҳолининг 85 фоизи яшаган. Ҳозирги даврда мамлакатда на қишлоқ хўжалиги, на саноат тармоғи бор. Кўп йиллик уруш туфайли ҳаммаси хароба бўлган, бузилган...

1. УРУШ ГИРДОБИДА ҚОЛГАН ЮРТ

Афғонистон заминида миллий давлатчилик нисбатан кеч пайдо бўлган. Унинг ҳудудида XVI асрда кичик феодал давлат ташкил бўлди, XVIII асрнинг ўрталарида эса машҳур саркарда, афғон қабилаларидан бирининг етакчиси Аҳмадшоҳ Дуррони марказлашган қудратли давлат барпо этишга муваффақ бўлди. Афғон халқини юзага чиқарган турли маҳаллий қабилалар ўзининг эрксеварлиги, жанговарлиги, мардонаворлиги ва чидамлилиги билан ажралиб турган. Инглиз мустамлакачилари Ҳиндистондан Афғонистон орқали Ўрта Осиёни забт этиш режаларини узоқ ва пухта тайёрлаганлар. Лекин ҳар гал ҳам Афғонистондан ўта олишмаган. Бу ерда қаттиқ ҳарбий зарба ва мағлубиятга учрашган. Афғон халқининг ўз Ватанига содиқлигини ва фидойилигини такрор-такрор кўрсатган тарихий воқеалар 1838-1842, 1878-1880 ва 1919 йилларда содир бўлган. Оғир, мусибатли синов даврида афғонлар бирлашиш, жипслашишга мойилликларини, бу ниҳоятда керакли фазилатларини кўрсата олдилар. Бу нарса афғон-инглиз урушлари мобайнида ҳамда 1928-29 йиллардаги сиёсий-ижтимоий миллий инқироз даврида ҳам намоён бўлган. Шунда афғонлар айрим ҳукмрон гуруҳларни ўзаро тортишув, ҳокимият учун кураш, парокандалик ва фавқулодда ҳолатга чорлашларига қарши ўзларининг ватанпарварлигини, ақлу заковатларини, миллий бирлик шуурларини ва собитликларини кўрсатдилар ва ғолиб чиқдилар. Мамлакатда маълум вақт ичида миллий тинчлик-осойишталик ва сиёсий барқарорлик ҳукмрон бўлди. Лекин мамлакат ичида ва атрофида мавжуд бўлган ғаразли амалпараст ва мустамлакачи кучлар тарихий воқеа-ҳодисалардан келиб чиқадиган жиддий, ҳаётий сабоқларни тан олишмас, улардан ўрганишмас экан. Бунинг ёрқин мисоли — собиқ шўролар тузуми Афғонистондаги сиёсий қийинчилик ва ноаниқликдан, муваққат фурсатдан фойдаланиб, халқаро ҳаёт ҳуқуқлари ва мезонларини қўпол равишда бузиб, бу чегарадош мамлакатга ўзининг кўп сонли ҳарбий қўшинини олиб кирди. Совет тузуми Афғонистондаги ўзи ёққан уруш алангасига 120 минг зобит ва аскар, мингга яқин танк, 4 минг 200 бронетранспортёр ва пиёда қўшинларининг жанговар машинаси, 2 минг 136 турли хилдаги замбарак ва миномёт, 20 мингдан ошиқ автомобиль-техника бирлигини олиб кирди ва улардан жангларда фаол фойдаланди. Расмий ҳарбий маълумотларга кўра, афғон урушида 13 минг 623 совет ҳарбийси ҳалок бўлди, буларнинг 1 минг 417 нафари бизнинг ўлкамиздан ҳарбий хизматга чақирилган шахслардир. Умуман, шўролар сиёсий раҳбарияти томонидан йирик ҳарбий мутахассисларнинг бу масалага салбий ёндошувини эътиборга олмасдан бошлаган Афғонистондаги урушдан Ўзбекистон ҳам катта талафот ва моддий зиён кўрди. Масалан, 1979 йилнинг декабрида Афғонистонга дастлаб киритилган 82 минг ҳарбийнинг 50 минги Туркистон ва Ўрта Осиё ҳарбий округларидан сафарбар қилинган ёшлар эди. Республикамиздан Афғонистонга келган моддий бойликларни ҳисоблаб, тагига етиб бўлмайди. Хазон бўлган ёш умрлар, фожиа тақдирларни эсласак-чи... Афғонистоннинг ўзида ўн минглаб ҳарбий, юз минглаб тинч аҳоли нобуд бўлди, 135 та ўқув-тарбия муассасаси ва шифохона, минглаб шаҳар ва қишлоқ вайронага айланди. Аксарият жаҳон мамлакатлари томонидан бошидан қораланган мазкур ҳарбий муҳораба узоқ муддатли фуқаролар уруши бошланишига йўл очиб берди, шўро империяси эса унда асосий иштирокчи бўлди. Шўро ҳокимиятининг Афғонистонда қилган уруши шу туфайли ҳам оғир оқибатларга олиб келди ва мамлакатни зимистон жар ёқасига улоқтирди.

Ўшандан бери афғонлар, қанчалик уринишмасин, ўзгаларнинг каромати билан ёруғликка чиқа олмаяптилар.

2. ПАРЧАЛАНГАН ХАЛҚ

Афғонистонда 70-йилларнинг охирида — 80-йилларда, яъни ўн йилдан кўпроқ вақт давом этган уруш афғон халқининг бир қисмини иккинчи қисмига қарама-қарши қилди, бир зуваласи пишиқ, мустаҳкам халқ ўртасида адоват ва душманлик уруғини сочди. Натижада афғон халқи парчаланиб борди ва бугунги кунда у қурол тутган жангарилар ва жабр чекувчи оддий фуқаролардан иборат бўлиб қолди. Хулоса қилиб, шуни айтиш жоизки, Афғонистон фожиасининг бош сабаби — собиқ СССРнинг бу жафокаш мамлакатга бостириб кириши бўлди. Маълумки, Афғонистондан совет қўшинлари олиб чиқиб кетилганидан ва Нажибулло ҳукумати соқит бўлганидан сўнг мавжуд сиёсий-этник гуруҳлар ўртасида ҳокимият учун кескин кураш бошланиб кетди. Жанглар, асосан, маҳаллий тусга эга бўлиб, кейинчалик ҳарбий қарама-қаршиликнинг ҳамма куч-йўналишлари пойтахт Кобул томонига қаратилди. Турли гуруҳлар Кобулни замбараклар ва реактив мосламалар воситасида узлуксиз бир неча ойлаб ўққа тутган вақтлари ҳам бўлди. Отишмалар натижасида қачонлардир кўркам, кўкаламзор, осойишта бўлган шаҳар ва унинг яқинидаги қишлоқлар деярли бутунлай вайрон этилди, десак, муболаға бўлмайди. Бу ерларда яшаб келган ўн минглаб аҳоли ҳаётдан бевақт кўз юмди. Пойтахт аҳолисининг сони ярмидан кўпроққа камайган ва ҳозир 50 минг кишига ҳам етмайди. Бундан ташқари, уруш туфайли икки миллиондан зиёд афғон қўшни Покистон, Эрон, Ҳиндистон каби мамлакатларга қочган ва ватангадоликда ночор, аянчли, оч-яланғоч ҳаёт кечирмоқда. Афғонистонда аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи 30 ёшга етмаяпти. Бу жаҳон миқёсида энг паст даражалардан бири. Умумий ҳолат шуни англатадики, Афғонистондаги ҳаёт — давлат миқёсида ҳам, фуқаролар ўртасида ҳам батамом издан чиқиб кетган. Уруш тўхтатилган ҳолатда ҳам, у ерда инсон ҳаётига муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш учун катта сармоялар керак бўлади.

Собиқ шўропараст Кобул ҳукуматига муҳолифатда бўлган кучларнинг ҳокимият тепасига келганидан кейин ҳам турли сиёсий-мафкуравий мавқеларда турган ва ҳар хил мақсадларни кўзлаган, бунинг устига, этник жиҳатдан фарқланувчи гуруҳлар ўртасида низо ва ҳарбий сиёсий рақобат давом этаверди ҳатто янада кучайиб, кескинлашиб борди. 1996 йилнинг кузига келиб Афғонистондаги сиёсий ва ҳарбий ҳолатда кутилмаган кескин ўзгаришлар рўй берди. Пойтахт Кобулни илк бор 80-йилларнинг ўртасида Покистон диний мадрасаларида таълим олган, афғон сиёсий муҳолифатининг мафкуравий қалқони сифатида пайдо бўлган, ўзининг давлат бошқарувини қўлга киритишга мутлақ ва мутассиб даъволари билан яхши танилган толиблар ҳаракати забт қилди. Улар, асосан, собиқ диний мадрасалар талабаларидан ҳамда илгари турли гуруҳларга яқин бўлган жангарилардан иборат. Ҳаракатнинг номи ҳам шундан келиб чиқиб «Толибон» — ўқувчилар, илм изловчилар деган маънони билдиради. Лекин ҳозирда улар илм эмас, балки ҳукмдорлик, енгил моддий ўлжалар излаб, Афғонистон шаҳар ва қишлоқларини босиб олишди — Қандаҳор, Ғазна, Жалолобод воҳаси, ниҳоят Кобул эгалланди. Этник жиҳатдан толиблар нинг аксарияти жанубий-шарқий музофотлардан бўлиб, пуштун халқига мансубдир. Лекин пуштун қабилалари бу ҳаракатни тўлиқ қўллаб-қувватлаяпти, дейиш нотўғри бўлади. Ҳозирги кунда Афғонистонда пуштунларга ҳам, бошқа халқ ва элатлар вакилларига ҳам фақат бир нарса керак, улар ушбу нарсадан умидворлар. Бу ҳам бўлса — мустаҳкам тинчлик, ўзлари ва яқинлари ҳаёти хавфсизлиги, шафқатсиз уруш гирдобида тирик қолмоқ кафолати. Афғонлар қурол кўтарган одамдан ниҳоятда ҳадиксирайдилар. Бу ҳолатни тушунса бўлади. Мамлакатда деярли икки ўн йиллик мобайнида қон тўкилиш, уруш-офат балоси тугамаяпти. 7,8 млн. гектар экинзор ерлар ишланмай, ишлаб чиқариш корхоналари ва мактаблар вайрона бўлиб, яроқсиз ҳолда ётибди. Аллақачонлардан бери омон қолган халқ ейиш-ичишининг тайини йўқ, одамлар халқаро инсонпарварлик ёрдами ҳисобига яшамоқдалар.

Қўшнилар ҳаётига бир назар

Қуролланган кимсалар, жамоалар, гуруҳлар бирон-бир тартиб интизом, қонун-қоидани, ҳатто, шариат фатволарини ҳам тан олмаётирлар. Уларнинг баъзилари ҳеч кимга бўйсунмасдан йўлтўсарлик, зўравонлик ва қотиллик каби оғир жиноятларни ўзларига касб-кор қилиб олганлар. Қуролланган одам бугунги Афғонистонда ўтакетган ашаддий хавф-хатар манбаи, ўлим ва бало-қазолар ёғдирувчи сифатида танилган. Марказий ҳокимият ва унинг ҳуқуқий назорати заифлиги ҳамда мамлакат ҳудудининг турли қуролланган сиёсий-этник гуруҳлар ўртасида, нуфуз ва ҳокимият доиралари ўртасида бўлиб олинганлиги сабабли Афғонистонда қурол-яроғ ва гиёҳванд моддалар савдо-сотиғи кенг авж олди. Мамлакат ҳудудида тўпланган қурол-яроғни аҳолининг жон бошига тўғри келиш даражаси бўйича Афғонистон узоқ вақтлардан буён дунёда биринчи ўринда. Ҳар икки афғон фуқаросидан бири у ёки бу турдаги қурол-аслаҳага эга. Бугунги кунда жаҳон қора бозорига гиёҳванд моддаларнинг етмиш фоизини Афғонистон етказиб бераяпти. Маълумки, халқаро жиноий доираларнинг бу заҳри қотилни тарқатишдан, у билан боғлиқ бўлган махфий тижоратдан ҳар йили оладиган даромадлари 500 миллиард доллардан ошиб кетди. Афғонистондан қурол-яроғ ва гиёҳвандлар яшириш йўллар билан Марказий Осиёнинг айрим республикаларига етиб келмоқда, бу ердан Россия ва Ғарбий Европа мамлакатларига тарқатилмоқда.

Афғонистондаги уруш яна бир муҳокамаси ва ечими кечиктирилиб бўлмайдиган муаммони туғдирди. Мамлакат тобора халқаро террорчилар тайёрлайдиган марказга айланаяпти. Масалан, АҚШда фош этилиб, ҳибсга олинган Рамзи Юсуф бошчилигидаги қўпорувчилар гуруҳи айнан Афғонистонда махсус тайёргарликни ўтаган. Ушбу гуруҳ аъзолари энг замонавий жиҳоз-ускуналар воситасида қўпорувчилик ишларини амалга оширмоқчи бўлишган.

3. «ТОЛИБОН» КИМ?

Бугунги кунда толиблар Афғонистонда энг ашаддий диний, сиёсий ва ҳарбий гуруҳ сифатида майдонга чиқиб, ўз ҳукмини ўтказишга уринмоқда. Бутун жаҳон тан олган «Инсон ҳуқуқлари халқаро декларацияси»да кўрсатилган андозалар ҳар қадамда топталмоқда. Афғон хотин-қизлари ўқиш ва меҳнат қилиш неъматидан маҳрум этиляптилар, эркакларга нисбатан ўлим хавфи остида соқол ўстириш қоидаси жорий этилди, шоҳмот ўйинини ўйнамаслик, варрак учирмаслик ва яна қатор ақлбовар қилмайдиган буйруқлар ижро қилинаяпти. Яқинда эса толиблар раҳбарлари афғон халқи анъанавий кенг кўламда, катта шодликлар билан нишонлайдиган Наврўз байрамини ўтказишни ман этди. Уларнинг фикри ва таълимотига кўра, Наврўз байрами ислом ақидаларига хилоф бўлган ҳодиса эмиш. Афғонистонда содир бўлаётган аянчли воқеалар мамлакатни бир неча ўн йилларга, ҳатто, асрларга орқага ирғитиб ташлаши мумкин бўлиб қолди. Ушбу номаъқулчиликлар ва фавқулодда хатти-ҳаракатлар кифоя бўлмагандай, толиблар миллий сиёсатда ҳам катта хаталарга йўл қўяяптилар. Улар нопуштун миллатларига мансуб бўлган шахсларга қарши кучли тазйиқ ва ҳуқуқларини бузиш сиёсатини бошлаб юборишди.

Шуҳрат МАҲМУДБЕКОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 20-may, seshanba № 58 (22.148).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), **Салим АШУРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари), **Виктор ЗВЕРЕВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), **Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0282

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ПИНҲОНИЙ МУҲАББАТ ҚИССАСИ

Маънавият чироқлари

«Чингизхоннинг оқ булути» — Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романига илова қилинган қисса. Ёзувчи китобхонларни романда тақдири номаълум бўлиб қолган Абуталип Қуттибоев билан қайтадан учраштиради. Қатағон йилларидаги қаҳрамоннинг кечган барча фожеий мушкулотларини Чингиз Айтматовдек довюрак адиб ҳам ипидан нинасигача тасвирлай олиш имконига эга бўлмагани тушунарли бир ҳол эди.

«Чингизхоннинг оқ булути» қиссасида икки йўналиш — бир томондан пок қалбли Абуталип билан бешафқат Тансиқбоев каби ҳайвонтабиат манқуртларнинг оёқости қилишига имкон бериш — инсоният олдида гуноҳи кабира эканлигини яхши тушуниб етади.

1953 йилнинг февраль кунларида Олмаотадаги авахтанинг қоронғи бўлмасида Абуталип оғир хаёллар оғушида ғарқ бўлаётган бир пайтда, Тансиқбоев ўзига ўхшаган инсоний хусусиятлардан маҳрум дўстлари билан ҳали у ҳам бош эгмайди. Чин инсон ор-номусини Тансиқбоев каби ҳайвонтабиат манқуртларнинг оёқости қилишига имкон бериш — инсоният олдида гуноҳи кабира эканлигини яхши тушуниб етади.

1953 йилнинг февраль кунларида Олмаотадаги авахтанинг қоронғи бўлмасида Абуталип оғир хаёллар оғушида ғарқ бўлаётган бир пайтда, Тансиқбоев ўзига ўхшаган инсоний хусусиятлардан маҳрум дўстлари билан ҳали у ҳамкасабасиникида, ҳали бу ҳамкасабасиникида меҳмондорчиликда бўлиб, Германиядан ўлжа қилиб келтирилган биллур қадаҳлар тўла «мўйсафид»дан сипқориб, шон-шуҳратга кўмилиб юрарди. «Тансиқбоевлар» товуқ тухумидан қирралар излаганидай, миллатчиларни «кашф қилиб» пул мукофотлари олишда, юқори мансабларга минишда, «кимўзар» ўйнашмоқда эди. Халқ тарихи, урф-одатлари, удумларини қоғозга туширириб юрган кишилар бургутдан қочган каптарлар каби питраб кетишди.

...Чингизхон — тарихий шахс, ўз даврининг фарзанди. Унинг тарихи, шахсий ҳаёти ҳақида кўплаб илмий ишлар, бадиий асарлар ёзилган. Манбаларда Чингизхон ҳийлакор, қонхўр золим, ўзини тангри каби қудратли ҳис қиладиган ҳукмдор, айни пайтда зукко инсон сифатида тасвирланган.

Чингиз Айтматов ўз қаҳрамонининг табиати, характери болалигиданоқ шакллана бошлаганига урғу беради. Чингизхон, ҳали Темужин деб аталган болалик чоғидаёқ бошқалардан ўч олишни, ҳаммани оғзига қаратишни хуш кўрарди. У сувдан тутилган балиқни талашиб, ўзининг укаси Бектерни ўқ-ёй билан отиб, ўлдириб қўяди. Тоғ тепасига чиқиб, ҳеч нарса билмагандай, тонг отгунча гумбурлатиб довул чалиб ўтираверади. Ўша кундан бошлаб довул овози Чингизхоннинг жанговар даъватининг рамзи бўлиб қолади. Ёзувчи қонхўр жаҳонгир табиатининг илдизларини очиб беришни мақсад қилиб қўйган. Болалигиданоқ тошбағир бўлиб ўсган, ҳеч кимга яхшилик раво кўрмайдиган кишидан эзгулик кутиб бўладими?

Чингизхон улкан жаҳонгирлик жангларига икки йил тайёргарлик кўрди. Оилавий қўшинларга «жангу жадаллар ниҳоясига етмагунча аёллар туғмасин» деган қаҳрли фармон берилди. Табиат қонунига хилоф бўлса ҳам, фармони олийни бажариш ҳаммага ҳам фарз, ҳам қарз. Шу пайтда бир девонаи дарвеш ҳукмрон ҳузурига келиб, бундан буён осмони фалакда оқ булут хоннинг бошига ҳумоюндек соя солиб ғалабаларида қўлдош-йўлдош бўлиб юражагини башорат қилади.

Янги қиссанинг бадиий аҳамиятини кўтарган воқеалардан эътиборлиси — лашкарбошиларидан бири, юзбоши Эрдене билан қўшин туғларига гул тикадиган каштадўз Дўғулангнинг аянчли фожиасидир. Ҳокимиятнинг куч-қудрати, забтидан икки ёш ошкора оила қуришга муяссар бўла олмайди. Лекин барибир Чингизхоннинг фармони, буйруғи икки қайноқ қалбнинг муҳаббати қаршисида ожиз эди. Аланга олган бундай ҳисни ўчириш, сўндириш осон эмас. Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади. Пинҳоний севги оқибати ўлароқ ўғил бола дунёга келади. Норастага ёш айғирдай ўйноқлаб юрсин деб Ғунан исмини беришади. Икки ярим бир бутунга айланган ноошкор оилада учинчи бир инсоннинг пайдо бўлиши мушкулни янада қийинлаштирган эди. Эрдененинг қўрқмас зобит сифатидаги хизматларини, Дўғуланнинг туғларига аждаҳо тасвирини солишдаги беназир ҳунарини инобатга олиб, бегуноҳ ғўдакка раҳм-шафқат қилиб, бўладигани бўпти, бўёғи синибди, деганларидек, хон бу норасмий оилани сақлаб қолармикин?

Чингизхон икки олов орасида қолди — бир аёл туғиб қўйибди, деб юришни тўхтатиш керакми ёки фармони олийни оёқости қилганларга ўзининг қаҳрини кўрсатиб, беандишаларни қаттиқ жазолаш лозимми, деган савол қийнар эди уни! Хоннинг руҳий тушкунлигини сезган каби, остидаги бедовнинг ҳам қадами оғирлашгандай туюлади. Осмонда эса оқ булут ҳамон фалак кезмоқда. Уни ҳеч ким пайқамайди, пайқаса ҳам эътибор бермайди унга, бу — Чингизхоннинг шахсий булути эканлигини ким билади дейсиз? Бу — худонинг қудрати, севган бандасигагина раво кўради буни.

Айтматов ўз қаҳрамони — Чингизхон қўшинларининг зобитларидан бири Эрдененинг жанг майдонидаги қаҳрамонликлари ҳақида ҳеч нарса деган эмас. Бироқ китобхон юзбошининг афсонавий қаҳрамонлардан бири эканлигини пайқаб олади. Сабаби, у ҳам Чингизхоннинг ғалаба қилишига тилакдош, керак бўлса ғалаба учун жонини аямайди.

Эрдене билан Дўғуланнинг қочиш тўғрисидаги режаси барбод бўлади. Дўғуланг чақалоғи билан қўлга тушади. Энди Эрдене нима қилиши керак? Мана, она-болани турткилаб жангчиларнинг олдига олиб чиқишди. Дўғуланг боланинг отаси ким эканлигини айтмай, ҳаммани абгор қилди. Чингизхон лом-лим демасдан узоқдан кузатиб турар экан, аёлнинг мардлигига қойил қолди.

Дўғуланг чақалоқни охирги марта эмизишга улгурди. У ҳар қандай йўл билан, ҳатто ўзини ажал тиғига уриб бўлса ҳам, Эрдененинг жонини сақлаб қолса бас. Кейинчалик ота-бола бир илож қилиб топишиб кетар!

Лекин Дўғуланнинг айтгани бўлмади. Ҳамманинг кўз ўнгида, отасиз ҳаромзода туғиб олганига иқрор бўлиб бутун жиноятнинг ўз гарданига олган севгилисининг жон азобида қийналаётганини кўрган мард зобит: «—Мана мен! Чақалоқ менинг ўғлим! Ўғлимнинг оти Ғунан. Онасининг исми Дўғуланг! Мен лашкар юзбошиси Эрдене бўламан!» — деб ўртага чиқади ва қийнаб қўйгани учун Дўғулангдан кечирим сўрайди. Довуллар гумбурлаши билан жаллодлар ишга киришди — Эрдене билан Дўғуланнинг қўлларини орқасига маҳкам боғлаб, чўкиб ётган туянинг икки ёнига олиб боришди-да, ўркач орқали осилган арқоннинг икки учидаги илмоқни иккаласининг бўйнига солиб, туяни уриб-зўрлаб турғазишди. Шундай қилиб, икки ёш инсон тирик дорнинг устида хуржун каби осилиб жон таслим қилди. Нима бўлганда ҳам, Дўғуланг билан Эрдене ўлимни писанд қилмай, ўз муҳаббатларининг муқаддаслигини ошкора исбот этишди, ўлимга рози бўлишди.

Чингизхон эса, ўзининг суюкли хотини Бўртенинг меркитлар қўлига асир тушганида ким билан ётиб турганини, тўнғич ўғли Жўжи кимнинг боласи эканлигини ҳамон билолмай, бунинг устида оқ булутдан маҳрум бўлиб қийналмоқда эди.

Еру кўкни ларзага солган қўшинлар ҳеч нарсани билмагандай, чўлу биёбонларни ортда қолдириб, олға томон юриб, босқин йўлини давом эттирдилар. Фалокат рўй берган жойда Дўғуланнинг дугонаси Олтун норастани қучоқлаганича қоларди. Бийдай жазирама чўлда қани энди бош суқадиган жой бўлса? Қорни очиққан ғўдак дала-даштни бузиб дод солиб йиғлайверади. Ўшанда мўжиза рўй беради — уларнинг тепасига оқ булут келиб соя солади, умрида бола эмизмаган, турмушга чиқмаган қари қизнинг кўкрагидан оқ сут кела бошлайди. Бу — худонинг ўз севган бандаларига меҳрибонлиги эмасми?

Давлат хавфсизлиги қўмитаси оператив бўлимларидан бирининг терговчиси Тансиқбоев Абуталип Қуттибоевни Югославияда у билан партизанлар ҳаракатида иштирок этган Сайфуллин, Поповлар билан юзлаштириш учун махсус вагонда олиб кетаётир. Болалигидан таниш далалар, уйлар. Ана, Қоранор ўтлаб юрибди. Мана булар Эдигей билан унинг ўғли Эрмак, нарироқда Зарипа кенжатойи Довул билан ёнма-ён кетаяпти. Абуталип жигаргўшаларини бағрига боса олмаганидан, ўзининг қафасдаги қушдай ожиз-нотовон эканлигидан, юраги баттар эзилди.

Аслида Абуталипнинг Сайфуллин ҳамда Попов билан учрашишга рози бўлишидан асосий мақсади ҳам уларга хоинлик қилиш эмас, балки охирги марта оила аъзоларини вагон тирқиши орқали бўлса ҳам бир кўриб қолиш эди.

Абуталипнинг тақдири ҳам фожиали тугади — қийноқ, азоб-уқубат, таҳқир-хўрликларга бардош бера олмай ўзини поезд тагига ташлади. Битта ўлим туфайли нечта умр сақланиб қолди. Абуталип ўз жонига қасд қилиб, кўплаб бегуноҳ кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолди.

Чингиз Айтматов, бутун борлиғи бошдан-оёқ фожилардан иборат бўлиб қолган онларда одам боласи ўзини қандай тутиши керак — деган мураккаб масалага яна бир бор мурожаат қилди.

«Чингизхоннинг оқ булути» қиссаси «Асрга татигулик кун» романига ўриш-арқоқ бўлиб қўшилиб кетди. Абуталипнинг кейинги тақдири не кечди экан деган саволга жавоб бўлиб тушди. Айни вақтда, уни мазмун-мундарижаси, тузилиши, яхлитлиги, қаҳрамонларининг табиатига кўра мустақил бадиий асар дейиш ҳам мумкин.

Суюн ҚОРАЕВ,
ЎзФА Тилшунослик институти катта илмий ходими, Қирғизистон давлат университетининг фахрий профессори.

ХИТОЙ КИНОСИ

Фильмлар, ижодкорлар, машҳурлар

Халқаро киноанжуманимиз юмушлари билан Хитой Халқ Республикасига борганимизда ҳамкасбларимизни таклиф этиш, фильмларни танлаш билан чекланиб қолмасдан ҳозирги ўзбек кинематографияси, унинг ўқув-методик базаси ҳамда умуман аудиовизуал санъатларимизга тааллуқли бўлган масалалар билан шуғулландик. Малайзияда, Бельгияда, Францияда бўлганимизда ҳам шу хусусдаги мураккаб саволларга жавоб излаган эдик. Уларга қисман жавоб топган, Куала-Лумпур кино-академияси, Брюссель университети, Париж синематекаси фаолиятлари бўлажак ўзбек кино-ТВ коллежи, сўнгра дорилфунуни учун маълум жиҳатдан хизмат қила олишига ишонган эдик.

Табиийки, аввало Тошкент халқаро киноанжуманининг топшириғини бажардик. Шу боис гапни ана шундан — Хитой фильмларини танлаш ва кино арбобларини таклиф этишдан бошлаймиз.

ФИЛЬМЛАР ВА ТОМОШАБИНЛАР

Хитойда кейинги йилларда суратга олинган фильмларни, тайёрланаётган телекўрсатувларни томоша қилиб, ижод аҳли билан суҳбат қилиб экрандан унинг беқиёс имкониятларидан кенг фойдаланишга интилаётганликларига ишонч ҳосил қилдим. Тарих саҳифаларини, ҳозирги Хитойни, унинг бойликларини мужассам этдириб кўрсатувчи асарлар кўп. Фильмларни 3-4 кун давомида диққат билан кўриб «Олтин қум», «Узун сочли қиз қисмати», «Севги шайдоси»ни анжуманимизга танладик. Машҳур режиссёр Се Фей раҳбарлигидаги делегацияни Тошкентга таклиф этдик. Бу каби асарлар эстетик завқ бериш билан бир қаторда Хитой киносининг аҳволи, унинг иқтисодий негизлари ҳақида фикр юритишга ҳам имкон беради. Чунончи, бу миллий кинематография аҳли янги фильмларни яратиш учун ўзи маблағ топиши заруриятини ҳамиша ёдда сақлагани туфайли кенг томошабинлар оммасининг эътиборини дарҳол тортадиган кулгили, мелодраматик, севги саргузаштлари, отишмалардан иборат булган асарларни ҳам яратар эканлар. Фильмларни ижарага бериш ҳисобига тўпланган маблағ янги асарлар бунёд этилиши учун сарфланишини назарда тутган санъаткорлар, кино ишлаб чиқариш ташкилотчилари, фильмларни намойиш этиб бевосита томошабин билан мулоқотда буладиганлар ўз вазифаларини аъло даражада бажаришга интилаётганликларини ҳам кўрдик. Бюджетдан фильм ишлаб чиқаришга маблағ ажратилмаслиги сабабли студиялар харажатларни қоплайдиган асарлар яратишга жиддий эътибор беришига олиб келмоқда. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўша «томошабинбоп» фильмларда енгил-елпи олинган кадрларни учратмадик. Хитойлик ҳамкасбларимиз ўша йўсинда суратга олинган асарларда ҳам ўзларига нисбатан талабчанликни сусайтирмаганликларини кўрдик. Масалан «Сочи узун қиз қисмати» фильмида Овруподан келган йигитнинг Хитой қизига бўлган муҳаббати шунчалик эҳтирос билан таърифланадики, уларни севиб, уларга сирдош, фикрдош бўлиб қоласан. Шунда бундай сюжет-камбағал қизни бойвачча севиб қолиши тарихи — унлаб араб ва хинд фильмларида учрашини ҳам унутасан...

Табиийки, бундай асарлар ҳақида фикр юритилганда бадиий кашфиёт, янги эстетик имкониятлардан фойдаланиш масалалари кўтарилмайди. Бу ўринда гап оммабоп фильмларни яратишда бадиийлик мезони юксак даражада қолишида, «сийлов»га йўл қўйилмаслигида.

«Олтин қум, кўм-кўк гиёҳ, чарақлаган офтоб» тасмаси бундай севги достонидан фарқ қилади. «Ши Ан» студиясида суратга олинган бу тасмада кучли, иродали шахсларни кўрамиз. Улар бир-бирларига бўлган меҳрларини кўз-кўз қилмайдилар. Ука акага ўз ҳаётини фидо этганида ҳам бир оғиз сўз айтмайди. Қатъий фикр кескин ҳаракатда, уткир нигоҳда кўзга ташланади. Атроф-муҳит ҳам камгап, эркинликка тоби йўқ қаҳрамонлар ҳолатига, характерига мосдек кўринади: бўм-бўш дала дашт. Бирорта дарахт ёки гиёҳни кўзингиз илғамайди. Дайди шамол тўзон кўтарар, уч-тўрт оила жойлашган кичкинагина қишлоқнинг кундалик ҳаёти ўтиб борар. Баъзан эса драматик воқеалар ҳам содир бўлар. Шунда эркаклар ўзларини мард тутар, аёллар оила қайғусида бўлар... Шундай ҳаёт лавҳаларини режиссёр Чжуа катта ҳаётий бадиий куч билан таърифлайдики, буни анжуманимиз иштирокчилари, томошабинлар ҳам эътироф этишига ишонамиз.

ПЕКИН КИНОИНСТИТУТИ — БИЛИМ ВА ИЖОД МАСКАНИ

Хитой Халқ республикасида тинимсиз ишлаб турган ва йилига юздан ортиқ фильмлар ишлаб чиқазаётган 31 киностудия ва ижодий, техник кадрларни ким тайёрлаяпти, деган савол туғилиши табиий. Бу масала билан мамлакат 1950 йилиёқ шуғулланганини, дарҳол кино мактабини таъсис этгани ва тезда (1956 йили) уни Пекин киноинститутига айлантирганини билар эдик. Сафар кунлари ўша олийгоҳга боришга, унинг фаолияти билан танишишга, машғулотларда булишга имкон бўлди. Кўриб, тинглаб бўлгач, видеотасмага ўша дақиқаларни муҳрладик ҳам. Назарий маърузалар тингланиши, семинар машғулотлар ўтказилиши жараёни бизникига ўхшаш кўринди. Амалий дарслар, ижодий синовлар, киноасарлар таҳлилига мосланган машғулотлар ўзгача. Ўша институтга киришга тараддуд кўраётганларнинг жажжи спектакллар қўйиши жараёнини кузатиб бориб, ижро техникаси экранга мосланишига аҳамият берилишини сездим. Иккинчи хонада чамаси 20-25 талаба икки-уч курсдошларининг машқларини, этюдни ижро этишларини кузатиб, урганиб, таҳлил қилиб боришлари завқ уйғотди. Ўша саҳнани муаллим ҳам, талабалар ҳам батафсил «кадрма-кадр» таҳлил қилишлари, хатоларни тузатишлари бизнинг санъат институтимиздаги машғулотларни эслатди. Лекин Хитой муаллимларимиздан — саҳна, ҳаттиҳаракат, талаффуз имо-ишора сезгир кинообъективини, кинонинг турли йириклиқдаги кадрларини кўзда тутиб танланиши, қўлланилиши кўзга ташланди.

Катта бир дарс хонасида 20 дан ортиқ видеомагнитафонли телевизор ёнида қулоғига жажжи радиокарнай (наушник) тақиб экранга қараб ўтирган, нималарнидир дафтарларига ёзаётган, зарур бўлганида «стоп кадр» ёрдамида экрандаги ҳаракатни тўхтатиб қўйиб фильмларнинг таркибий қисми бўлмиш тасвир, монтаж йўллари, ижро техникаси, композиция кўринишларини ўрганаётган талабалар билан мулоқотда бўлдик. Уларни суратга олдик ҳам.

Етти факультети, 1300 талабаси ва аспиранти бўлган Пекин киноинститутининг ўқув дастурлари ва фильмларни, синов жараёни ҳамда кадрларни тақсимлаш масалаларини ҳам ўргандик.

Пекин киноинститути ўқув техника, тасма, сафарлар, ҳаракат билан боғлиқлигини ҳисобга олиб, йилига ҳар бир талабадан 1500 юандан пул олар экан. Тўрт йил давомида таълим олган йигит ва қизлар режиссура, кинодраматургия, ижро, операторлик ҳамда овоз оператори санъатлари, кинорассомчилик ҳамда кино ишлаб чиқариш соҳаларида ижодий меҳнат қилиш ҳуқуқини оладилар. Шу олийгоҳда таълим олган, ҳозир уста режиссёр сифатида танилган Се Фейни ҳам Тошкент фестивалига таклиф этдик. У анжуманнинг обрўли ҳайъати аъзоси сифатида анжуманда иштирок этади.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

ҒОЛИБЛИККА ДАЪВОГАРЛАР

Футбол

Олий лига футбол жамоалари ўртасида МҲСК ўйинчилари мамлакат чемпионлигига асосий даъвогар эканликларини амалда намойиш этишмоқда. Бу жамоа ҳанузгача на дуранг, на мағлубият нималигини билмай турибди. Армиячилар навбатдаги учрашувни сафарда «Афросиёб» жамоаси билан ўтказиб, 5:1 ҳисобида ғалаба қозондилар ва мавқеларини янада мустаҳкамладилар. Шунингдек, «Трактор» футболчилари ҳам Андижонда ўйнаб, мезбонлар дарвозасига 2 та жавобсиз тўп киритишди. «Нефтчи» футболчилари эса «Сурхон» меҳмони бўлиб, 3:1 ҳисобида устун келишди. Пахтакорчилар ҳам ўз ҳисобларига 3 та очко қўшишди. Улар «Атласчи» дарвозасига 4 та жавобсиз тўп йўлладилар. Қолган ўйинлар қуйидаги ҳисобда якунланди: «Янгиер» — «Хоразм» — 4:0, «Навбаҳор» — «Зарафшон» — 2:1, «Насаф» — «Дўстлик» — 0:0, «Сўғдиёна» — «Бухоро» — 2:1.

Кеча «Чилонзор» — «Косонсой» жамоалари учрашдилар.

Ўйинлар жадвали

	Ю	Д	М	Т	О
МҲСК	**10**	**0**	**0**	**30-6**	**30**
Нефтчи	**8**	**1**	**1**	**30-11**	**25**
Пахтакор	**7**	**3**	**0**	**21-5**	**24**
Дўстлик	6	3	1	15-7	21
Навбаҳор	6	2	2	24-11	20
Сўғдиёна	5	0	5	13-13	15
Трактор	4	2	4	8-8	14
Атласчи	4	2	4	13-17	14
Бухоро	4	1	5	14-7	13
Афросиёб	3	2	5	11-14	11
Насаф	2	5	3	11-12	11
Косонсой	3	0	6	7-16	9
Янгиер	2	3	5	10-10	9
Зарафшон	2	2	6	11-18	8
Андижон	**2**	**1**	**7**	**7-14**	**7**
Хоразм	**2**	**0**	**7**	**8-26**	**6**
Чилонзор	**1**	**1**	**6**	**3-9**	**4**
Сурхон	**0**	**2**	**5**	**2-22**	**2**

«ҒАМХЎРЛИК» ЙЎҚЛОВИ

Ўзбекистон «Нуроний» фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармаси яна бир хайрли ишни бошламоқда. Пири-бадавлат кексаларимизнинг тан-жони соғ, рўзгори бут бўлиши, ҳаловатда яшамоғи учун «Ғамхўрлик» дастури тузилди. Республикамизда 1 миллион 800 мингга яқин пенсионер, 80 мингдан ортиқроқ уруш қатнашчиси эътибордан четда қолмаслиги иш кўлами катталигидан аён. Муҳтож фахрийларга махсус ҳисобдан моддий ёрдам кўрсатилади, ижтимоий, тиббий, савдо хизмати яхшиланади. Савобли «Ғамхўрлик» йўқлови шу ойнинг охирларида бошланади.

Марфуа АБДУҚОДИРОВА.

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

Тил билган яхши. Тилга эътибор, элга эътибор, деб бежиз айтишмайди. Инсоният тараққиёти, унинг маънавияти ҳам тил орқали ифода этилади. Юртимизда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари ривожланган сари чет тилларни ўрганишга эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу боис ёшларни ўқитиш, малакасини ошириш борасида муҳим тадбирлар амалга ошириляпти. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Шарқшунослик институти ҳамда Республика таълим маркази томонидан уюштирилган семинар-кенгашга катта қизиқиш билан қаралгани ҳам шундан. Пойтахтдаги 309-шарқ тиллари лицейида ўтказилган бу анжуман «Республикада хорижий шарқ тилларини ҳозирги замон талаблари асосида ўқитишнинг муҳим масалалари» мавзуига бағишланди. Йиғилиш қатнашчилари шарқ тилларини ўқитишда оғзаки нутқ малакасини ошириш, ўқувчилар билимини аниқлашда тест синовини қўллаш ҳамда дарс жараёнида шарқ мутафаккирлари таълимотидан фойдаланиш хусусида фикр алмашдилар.

Равшан ШОДИЕВ.